

Тошкентда Шанхай шахрига бағишланган китоблар ва фотосуратлар кўргазмаси очилди

11 июл 2016



11 июль куни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойесида Шанхай шаҳри ҳақидаги фотосуратлар ва китоблар кўргазмаси очилиши ҳақида аввал хабар бергандик.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Шанхай кутубхонаси томонидан амалга оширилаётган "Шанхайга йўл" лойиҳаси асосида ўтказилаётган маданий дастур доирасида ташкил этилган мазкур экспозиция дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бири - Шанхай шаҳрига бағишланган.

Лойиҳанинг асосий мақсади - фойдаланувчиларни Хитойнинг тарихи ва анъаналари, шунингдек мамлакатнинг ҳозирги кунда эришган ютуқлари билан таништириш. Айтилган "Шанхайга йўл" лойиҳаси 48 мамлакатда амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Хитой муаллифларининг 350 номдаги тилшунослик, адабиёт, туризм, маданият ва тарихга оид китобларини олди.

Кўргазмада Шанхай шаҳрининг тарихи, географияси, диққатга сазовор жойлари, маданий обидалари, бой миллий ва маданий анъаналари, маданияти, адабиёти ҳақида хикоя қилувчи китоблар, шунингдек, Шанхайнинг бетакрор манзарали масканлари, осмонўпар бинолари тасвирланган 35 та фотосуратлар тақдим этилган, деб [хабар қилади](#) Ўзбекистон Миллий кутубхонаси матбуот хизмати.

Кўргазмада ХХРнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе иштирок этди. Шанхай кутубхонаси раҳбарияти, шахсан, унинг директори Ву Цзянчонгнинг тадбир қатнашчиларига йўллаган мурожаати ўқиб эшиттирилди.